


Сиёев Зафар

НАТЮРМОРТ

(Олий таълим муассасалари талабалари учун методик қўлланма)



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

«Санъат» факультети

НАТЮРМОРТ

(Олий таълим муассасалари талабалари учун методик қўлланма)

ТОШКЕНТ - 2013

Аннотация

Мазкур методик қўлланма касб-хунар коллежининг ўқувчилари ва олий ўқув юртлирининг Санъат факультетининг талабалари учун мўлжалланган.

Маълумки, тасвирий санъатнинг тараққиёти узоқ даврдан бошлаб катта йўлни босиб ўтди. Барча даврларда ривожланиб, санъатшунос ва рассом-ўқитувчилар томонидан ниҳоятда салмоқли материаллар тўпланди.

Мазкур методик қўлланмада тасвирий санъатнинг назарий асосларидан натюрморт ҳақида сўз юритилиб, унга машҳур рассомларнинг ижодига доир, турли нарсалардан ташкил топган натюрмортни босқичли тасвирлаш усуллари тўғрисида материаллар киритилди. Бу материалларни иложи борида қисқа ва лўнда қилиб акс эттиришга ҳаракат қилинди. Қўлланманинг охирида берилган тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати талабаларнинг шу соҳадаги билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон беради деб умид қиламиз.

Методик қўлланма матнига мос тарзда иллюстратив материалларнинг биргаликда берилиши талабалар томонидан ўрганиладиган мавзунини тез ва аниқ ўзлаштиришни осонлаштиради.

Қўлланмадан тасвирий санъат ўқитувчилари, шунингдек, тўғарак қатнашчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф: Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчиси Зафар Сиёев

Тақризчилар: Ў.Нуртаев – К.Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн
институти доценти, педагогика фанлари номзоди.

Б.Тожиев - тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси доценти

Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат эканлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски амалда - тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

И.А.Каримов

Кириш

Маълумки, санъатнинг турлари жуда кўп, улар: адабиёт, мусиқа, кино, театр, балет, меъморлик, амалий-безак санъати, цирк, телевидение, фотография, тасвирий санъат ҳисобланади.

“Тасвирий” атамаси “тасвирлаш” сўзидан олинган бўлиб, унда турли материал, хусусан, бўёқ, тош, гипс, ёғоч шунингдек, бошқа бадий ва ташландиқ материаллар ёрдамида ҳар хил образларни ва нарсаларнинг расми, ҳайкалини ифодалаш тушунилади.

Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, халқлар тарихини билишга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Инсонлар воқеаларни, одам ва ҳайвонлар тасвирини тошларга чизиб, уларнинг турли кўринишлари ва ҳайкалларини ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат, табиат ходисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир кўрсатган.

Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиш инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқот қилиш, сўзлашиш учун зарур бўлган. Тарихдан маълумки, тасвирларнинг аксарияти овчилик билан шуғулланиб келган қадимги одамларнинг ҳайвонларни қандай ов қилганликларига асосланган. Улар ҳайвонларнинг юрган йўлларини кузатиб, қоя ва ғорларда турли тасвир ва белгилар қолдирганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилиятлари ривожланиши натижасида кейинчалик ҳар хил ов манзаралари ўзига ҳос дастлабки композиция ечимига эга тарзда акс эта бошлаган.

Тасвирий санъат асарлари инсонга катта таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Улар тасвирий санъат асарларини томоша қилиб уларда ифодаланган гўзалликни ўз ҳаётларига киритишга ҳаракат қилади.

Тасвирий санъатнинг уч тури мавжуд бўлиб, улар: рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графикадир.

Тасвирий санъатнинг ҳар бир турининг манзара, маиший, натюрморт, портрет, тарихий, анимал, афсонавий, марина, интерьер каби жанрлари мавжуд. Жанр рассом нимани тасвирлаётганлигига қараб белгиланади. Масалан, одам расми ишланса “портрет”, табиат ва шаҳар кўринишлари тасвирланса “манзара”, ҳаёт ва меҳнат жараёнлари тасвирланса “маиший” жанрига хос бўлади. Шунингдек, тарихий воқеаларни тасвирлаш тарихий жанр, ҳайвонларни тасвирлаш анимал жанр деб юритилади. Яна афсонавий, марина, натюрморт жанрлари ҳам бўлади. “Анимал” жанри латинча “анима” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳайвон маъносини англатади. “Батал” жанри эса французча “батал” сўзидан келиб чиққан бўлиб жанр, ”НЮ” жанри французча бўлиб яланғоч маъносини билдиради.

Ҳар бир жанр ўз ўрнида яна бир қанча йўналишларга бўлиниши мумкин. Масалан, табиат манзараси жанри, шаҳар манзараси жанри, индустриал манзара жанри, денгиз манзараси (марина) ёки портрет жанри тантанаворлик, гуруҳли турларга бўлинади. Вақт ўтиши билан жанрлар табақалашиб, мустақил тус олган. Масалан, манзара жанридан марина, тарихий жанрдаги батал жанри ажралиб чиққанлар.

*«Ёшлар, ўзларини илм-фан, тасвирий
санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм
чизишини мукамал билмоқлари лозимдир».
Леонардо да Винчи*

ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ НАТЮРМОРТ ЖАНРИ ТАРИХИДАН

Натюрморт сўзи французча «nature morte» иборасидан олинган бўлиб, «жонсиз табиат» деган маънони билдиради ва *тасвирий санъат* жанри ҳисобланади. У асосан рангтасвир ва графика асарларида ишлатилади. Инсоннинг атрофини ўраб турган реал маиший муҳитда жойлашган ва композиция жиҳатидан яхлит гуруҳни ташкил қилган нарсалар тасвирланади.

Натюрмортда «жонсиз буюмлар» масалан, уй-рўзғор буюмлари, турли атрибутлар, мева-сабзавотлар, гуллар, қуш ва ҳайвонларнинг тулумлари, балиқлар, қурол-аслаҳалар акс эттирилади. Асосий мавзуни тўлдириш учун баъзан натюрмортга одамлар, ҳайвонлар, қушларни ҳам киритиш мумкин.

Натюрморт мустақил жанр сифатида ХУ-ХУІ асрларда Голландия ва Испанияда пайдо бўлган. Унда тасвирланаётган буюмлар ўз эгасининг феъл атворини, қизиқишини ёритишга ёки буюмларнинг шакли, ранги, фактураси, тузилишидаги ритмик, динамик ва статик ҳолатларини кўрсатишга қаратилган бўлади.


Натюрморт қадимги Мисрда деворга ишланган фрескаларда, эллинизм даври мозаикаларида, Хитойда қуш ва гуллардан тузилган композиция бўлаги сифатида маълум бўлган. Европада ХУІ - аср охири ХУІІ - аср бошларидан мустақил аҳамиятга эга бўлиб, энг тараққий этган даври ХУІІ - асрга тўғри келади. ХУІІІ - асрдан «натюрморт» атамаси қўлланила бошлади. Италиян рассоми М.Караваджо ва унинг издошлари натюрмортнинг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнади. Уларда гул ва мевалар, денгиз инъоми - балиқ, қисқичбақалар сеvimли мавзуга айланди. Голландиялик В.К.Хеда, П.Клас, Фландриялик Ф.Снейдерс, Я.Фейт, Испаниялик Ф.Сурбаран, Франциялик

Ж.Б.Шарден ва бошқаларда натюрморт жанри юксак тараққиётга эришди. П.Сезанн, А.Матисс, Ж.Брак ва бошқалар натюрмортга кўпроқ ўз эътиборларини қаратганлар. XX – асрда натюрморт жанрининг реалистик анъаналарини Мексикада Д.Ривера, Д.Сикейрос, Италияда Р.Гуттузолар давом эттирдилар. Россияда натюрморт XVIII - асрда пайдо бўлди. XIX - аср биринчи ярмида М.А.Врубель, К.Коровин, И.Э.Грабарь ва бошқалар натюрморт жанрида ҳаққонийликка, борликни ўзидан гўзаллик топишга ҳаракат қилдилар.

Ўзбекистон тасвирий санъатида натюрморт унсурлари қадимги давр санъатида масалан, Афросиёб деворий расмларида – вазадаги мевалар, миниатюра санъатида Камолиддин Бехзоднинг «Шайбонийхон портрети»да тасвирланган сиёҳдон, қамчи каби буюмлар кўринишида учрайди. Натюрмортнинг ҳақиқий шаклланиши ва ривожланиши эса XX - асрнинг 30-50 йилларига тўғри келади.



Н.Кашина. Баклажон билан натюрморт.



З.Ковалевская. Натюрморт. Санъат олами.



О.Татевосьян. Бизнинг анорлар.

Айни шу даврда рассомларнинг ижодида натюрмортнинг дастлабки намуналари пайдо бўлди: Л.Насриддиновнинг «Нонли натюрморт», Ш.Ҳасанованинг «Хитой чинниси билан ишланган натюрморт»и фикримиз

далилидир. М.Курзин, В.Рождественский, В.Уфимцев, Н.Кашина, З.Ковалевская, О.Татевосян, С.Абдуллаев, В.Фадеев, Ю.Елизаров ва бошқалар турли мавзуларда натюрморт композицияларини яратдилар.



В.Уфимцев. Натюрморт.



С.Абдуллаев. Настарин олмалар билан.

60-80 йилларда Л.Салимжонова, Ю.Талдикин, Р.Чориев, В.Бурмакин, Е.Мельниковлар каби рассомлар ижодида натюрморт жанри кенг ўрин тутди. Рассомлар Р.Ахмедов, Ғ. Абдурахманов, А.Икромжонов, М.Нуриддинов ва

бошқалар натюрморт жанрида самарали ижод қилиб, унинг тараққиётини таъминладилар.



Л.Салимжонова. Хризантемалар
ва мевалар.



Ю.Талдикин. Бизникига меҳмонга келинг.



Е.Мельников. Шарқий натюрморт.

Натюрморт композицияси тушунчаси ва мазмуни

“**Композиция**” атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, тузилиш, бирлашиш, боғланиш маъносини англатади. У ижодкор ғоясини томошабинга аниқ, осон, тез етиб боришига хизмат қилади. Композиция орқали рассом асардаги мазмунни чизик, шакл, ранг ва бошқа воситалар ёрдамида очиқ беради. Унинг бадиий таъсир кучини оширади ва тартибга келтиради. Композиция элементларини ўзаро боғлаб жой-жойига қўяди ҳамда фазовий кенгликни яратади. Ҳар бир тасвирий санъат асарида композиция бўлиши керак. У асар яратилишида биринчи ҳал этиладиган муҳим вазифа ҳисобланади. Композициянинг ўзига хос қонун-қоидалари, восита ҳамда услублари мавжуд.

Композиция ҳақида фикр юритганда буни, аввало, унинг ўлчами ва форматидан бошлаган маъқул. Чунки композициянинг таъсирчанлигини оширишда унинг ўлчами ва форматини (горизонтал, вертикал, квадрат форматлар) тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Формат шакли ва ўлчами рассомнинг ғояси, асар мавзуси ва мазмунига ва суратдаги деталларга боғлиқ бўлади.

Агарда натюрмортда нарса ва буюмлар тиккасига тасвирланадиган бўлса, рассом асар форматини бўйига тутати ёки рассом тасвири чапдан ўнгга ва, аксинча, ўнгдан чапга ҳаракатда тасвирлайдиган бўлса форматини энига(горизонтал) тутати.

Композиция қонунлари деганда: бир бутунлик ёки унинг тасвир бўлақларининг ўзаро боғлиқлиги қонуни, композициядаги деталларнинг асар ғоясига бўйсундирилган бўлиши ҳамда мувозанат қонуни тушунилади, яна унда янгиликнинг бўлиши, контрастлар мавжудлиги, ҳаётийлик қонуни кабилар ҳам назарда тутилади.

Композиция қоидалари деганда: ҳисобланган ритм, композицион марказнинг мавжуд бўлиши, уларнинг симметрик ёки асимметрик жойлашуви, композицияда ҳаракат, турғунлик, олд ва орқа кўринишлик, параллеллик кабилар назарда тутилади.

Композицияда қонун ва қоидалар билан бирга талабалар композиция услублари ва композиция воситалари ҳақида ҳам маълум миқдорда тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Композиция услублари деганда: тасвирни монументал тарзда ифодалаш, фазовий тасвирлаш, деталларни горизонталлар, вертикаллар, диагоналар бўйича тасвирлаш кабилар тушунилади.

Композиция воситалари - чизик, оқ, қора, ранглар, доғлар, чизикли ва хаво (ранг) перспективаси қоидалари асосида тасвирлаш кабилар ҳисобланади.

Композицияда контрастлар қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Бу қонун ундаги деталлар ранг ва тус жиҳатидан бир биридан кескин фарқ қилишини билдиради. Хусусан, улар оч ва тўқ, илиқ ва совуқ рангда, оғир ва енгил рангларда бир бирига қарама-қарши бўлишлари лозим. Шундагина тасвирдаги деталлар бир-бирининг фонида аниқ ва ифодали кўринади.

Композицияда мувозанат қонуни, унинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бу қонун тасвир юзасида жойлашган деталларни чап ва ўнг, юқори ва паст томонларида шакл, ранг, тус, сон, катта ёки кичиклиги жиҳатидан тенг бўлиши лозимлигини билдиради.

Композициянинг қоидалари орасида композиция марказнинг бўлиши кераклиги жуда муҳимдир. Асарда бу қоидага амал қилиниши, рассом ғоясини томошабинга тезроқ ва аниқ етиб боришига хизмат қилади.

Тасвирдаги композиция марказини ажратиб кўрсатиш кўпинча асарларда ўлчам, жой, ранг жиҳатидан амалга оширилади. Натижада у томошабин эътиборини тасвирдаги асосий объектга қаратади ва рассом ўз асарида қўйган мақсадига осон эришади.

Композицияда симметрик ёки асимметрик тарзда жойлашуви асар мазмуни ва рассомнинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу қоида тасвирдаги деталларни оғирлиги, туси, ранги, шакли жиҳатидан мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Асарда буюмларнинг асимметрик жойлашуви эса шакл, ёруғ-соя, ранг ҳаракати, ҳолатлар орқали рўй беради. Айтайлик, асарнинг икки томонида қарама-қарши кучлар тенгсизлигини кўрсатмоқчи бўлганда

рассом асимметрия қондасидан фойдаланиши мумкин. Нарсалар асимметрик бўлгани тақдирда асардаги мувозанат бузилмаслиги учун рассом нарсаларни ритмик жойлаштиришига тўғри келади.

Рассомлар кўпинча ўз асарларида ритмнинг бўлишига кўпроқ эътибор берадилар. У тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларида қўлланилади.

Ритм кўпроқ шакл, ранг, ўлчам, ёруғ-соя, ҳаракат кўринишларида ифодаланади. У асар мазмуни билан боғлиқ бўлиб, муаллифнинг ғоясини томошабинга тез ва осон етказишга хизмат қилади, асарни ифодалилигини оширади.

Тасвирий асарларда асосий нарса ёки воқеа кўпинча иккинчи кўринишда жойлаштирилади. Бу эса биринчидан, асосий қисм асар марказида бўлишига хизмат қилса, иккинчи томондан, биринчи кўринишдаги майда қисмлар асосийга йўл очади ва томошабин эътиборини асардаги муҳим воқеа бўлаётган жойга эътиборини қаратади. Биринчи, учинчи ва бошқа кўринишдаги тасвирлар эса асосий жойнинг очилишида бўртиб юзага чиқишида ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади.

Композицияда ҳаракат ва турғунлик қондалари асар муаллифининг ғоясини ва асар мазмунини тўлиқроқ очиб беришга хизмат қилади. Композицияда ҳаракат ва турғунлик асардаги воқеани ишонарли бўлишига ёрдам беради. Композицияда нарсалар ҳаракати чапдан ўнг томонга йўналиши уни секинлашувига ва ўнгдан чап томонга йўналиши эса уни муайян даражада тезлаштиришга хизмат қилади. Композицияда ҳаракат воқеани ривожланиб боришига қаратилса, турғунликдан эса воқеани тўхташи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда, фикр юритишга ундаш каби ҳолатларни тасвирлашда фойдаланилади.

Натюрморт тузиш бу ижодий композиция яратиш жараёнидир. Унда рассомнинг диди, лаёқати, композиция тузиш маданияти, билим савияси намоён бўлади.

Натюрмортда жонсиз табиат тасвирланганига қарамай, биз матода жонли ҳаёт нафасини сезамиз. Натюрморт композициясини маъноли ва таъсирчан чиқиши учун ягона мавзудаги бир-бирига муносиб ва мос нарсалар табиий боғланишда қўйилиши керак. Қўйилган натюрморт кишида қизиқиш ва расм чизишга ҳавас ҳиссини уйғотадиган бўлиши, ва албатта, композиция талабларига жавоб берадиган бўлиши лозим. Натюрморт таркибига кирадиган нарсалар эстетик таъсирчанлик талабларига жавоб берадиган, шакли, ҳажми, материали, яъни - фактураси, ранг ва оч-туқлиги, яъни туси билан бир-биридан фарқ қилиши керак.

Масалан, катта челақ ёнига қўйилган гугурт қутчасини кўз илғамайди, чунки улар ўртасида узвий боғланиш сезилмайди. Танлаб олинган нарсаларни предмет текислигида бир-бирига нисбатан қандай жойлаштирилиши ҳам натюрмортнинг қизиқарли ва мазмунли чиқишига таъсир этади. Масалан: Шарден, Сурбаран, Кальф, Снайдерс, К.Коровин, И.Машков, П.Кончаловский, Ю.Елизаров, Ғ.Абдурахмонов, С.Абдуллаев, М.Фаткуллин, О.Қозоқов ва бошқа рассомлар асарларида ҳаётий ҳақиқатни, матода жонланган табиат ажойиботларни кўрамиз.


Шарденнинг «Пиёзли натюрморти»да стол устидаги кўк пиёзни чўзиқ шакли сурат композициясининг чўзиқ бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шакли жиҳатдан унга зид нарсаларни излаб, Шарден шарсимон олмаларни, овалсимон тухумларни ва рўзғорда зарур бўлган буюмларни, мис, қоғоз, сопол ва шиша идишларни танлаган. Рассом атайлаб шакл ўлчами, материали бир-биридан фарқ қиладиган нарсалар танлашда табиатнинг ўзига хос хусусиятларини, ранг-баранг ва турли-туманлигини эътиборга олган. Бир қарашда бу натюрморт мазмун жиҳатидан жуда содда кўринади. Рассом турмушда зарур нарсалардан бир нечасини олган, ҳолос. Мазмунан бир-бирига монанд нарсалардан танлаб олганидан кейин улардан шундай бир яхлит

гуруҳ ташкил қилганки, у кишида қизиқиш ўйғотади, диққатини ўзига жалб этади. Шарден натюрморт тузишда танлаган нарсалар: мис қозон, сопол чўмич, яшил рангли шиша идиш, кўк пиёз бошлари, иккита олма ва иккита тухумдан иборат. Булар улкан мўйқалам соҳибининг юксак истеъдоди, табиатнинг бекиёс бойлигини кўра олиши ва тўғри идрок қилишининг натижасидир.

Натюрморт композициясининг муайянлиги унинг табиийлигидир. Шунинг учун натюрморт тузиш, уни қўйинг, вақтида яхлитликка эътибор бериб, ниҳоясига етказишга ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун эса классик намуналарни кўплаб таҳлил қилиб, «у ёки бу асар инсонга нима учун шунчалик таъсир этади, завқ бағишлайди», деган саволларга жавоб излаш фойдалидир. Натюрмортнинг манзара ёки интерьерга нисбатан афзаллиги яна шундаки, уни ташкил қилиб қўйиб олгандан кейин бир неча кун давомида жойидан қўзғатмасдан ҳар-хил қараш нуқталаридан қайта-қайта тасвирлаш мумкин. Натюрмортнинг атрофимиздаги табиатдан фарқи шундаки, уни инсон ижод қилиш ёки ўрганиш мақсадида ўзи қайта тузади, ақли, тафаккури билан барпо этади. Ўқув натюрмортининг композицияси бир томондан эстетик мезонларга, иккинчи томондан эса таълимнинг дидактик талабларига ҳам жавоб бериши керак.




Натюрмортнинг конструктив қурилиши.



Натюрмортни тусда бажариш.

Натюрморт қўйилмаси пухта ва узоқ вақт ўйлаб, мулоҳаза қилиб ташкил этилади. Унга кўп нарса киртилмаса-да, нарсаларнинг шакл ва ранглари ҳар хил бўлишига эътибор бериш керак. Силлиқ ялтироқ сиртли идишни сирти жилвасиз нарса билан, қиррали буюмни думалоқ шакл билан ёнма ён қўйилса, уларни таққослаш ва синчиклаб ўрганиш учун имконият туғилади. Натюрмортнинг асосий талабларидан бири унинг ўлчамларининг мутаносиб бўлиши ҳамда ранг ва тус жиҳатидан ҳам ажралиб туришидир. У сурат текислигининг марказига яқин жойда бўлиши керак. Бу сурат мазмунини очишда, сўзбошловчи вазифасини ўтайди, композициянинг марказини бўрттириб кўрсатиб беради. Кўпинча рассомлар асосий нарсани атайлаб марказдан сал силжитиб қўядилар-да, мувозанатни сақлаш учун қарама-қарши томонда ранг ва оч тўқлиги унга зид бўлган нарсаларни жойлаштиради.



Атоқли натюрмортчилар П.Сезан, Ж.Б.Шарден, Хруцкийлар бу усулдан унумли фойдаланганлар. Натюрморт жанрида Ўзбекистонлик рассомлардан В.Уфимцев, С.Колибанов, Ю.Елизаров, Р.Ахмедов кабилар ўз асарларида табиатни беқиёс бойлигини миллий руҳда жозибали тараннум этган.



С.Колибанов. Нон билан натюрморт.




С.Колибанов. Унутилган буюмлар.



Ўқув натюрмортининг муҳим томонларидан яна бири ундаги, тасвирланаётган нарсаларнинг ўзаро масофада фазовий жойлашишидир. Бунда қўйилмага кирадиган нарсалардан каттаси орқарокда, майдалари эса олдинроқда, бири иккинчисини, яъни асосий нарсани бир оз беркитиб турадиган қилиб қўйилади. Натюрмортдаги атрибутларни мазмунан бири-бирига боғлаш мақсадида унга чўзиқроқ шаклдаги нарса киритилади. Сурат

Буюмларнинг ўзаро фазовий жойлашиши.


текислигининг асосидан композиция марказига қаратиб қўйилган пичоқ, қошиқ, қоғоз ўрами, мўйқалам ва ҳоказолар сурат мазмунини очишга ёрдам берадиган «калит» бўлиб, томошабин нигоҳини композиция марказига йўналтиради. Натюрмортнинг фазовий ҳолатини яққолроқ тасвирлаш учун биринчи кўринишда унча катта бўлмаган, аммо ёрқин нарса қўйилади.




Натюрмортнинг уфқ чизиғига нисбатан жойлашиши.

Натюрмортнинг уфқ чизиғига нисбатан қандай жойлашиши ҳам катта аҳамиятга эга. Маълумки, кўз баландлигидан пастрокда қўйилган натюрморт предмет текислигида тўла-тўқис кўриниб туради, нарсаларнинг асослари,


уларнинг ўзаро жойлашиши яққол кўринади ва тасвирлашда қулай бўлади. Нарсаларнинг шаклини ва фазовий жойлашувини тўлароқ очиб бериш учун ёруғлик нурлари олд томонидан ёки ёндан тушадиган бўлиши керак. Табiiй ёруғликнинг кучи етарли бўлмаса, натюрмортнинг ён томонига сунъий ёритгич қўйилади. Шунда олдинги нарсаларда ёруғ-соя контрасти кескин бўлиб, уларнинг ҳажмдорлиги бўртиб кўзга ташланади, сиртлари яққол кўринади.



Ёритгич манбаи ўнг томондан.




Ёритгич манбаи чап томондан



Ёритгич манбаи узоқроқда.

Иккинчи масофадаги нарсаларда эса зиддият камроқ сезилади. Нурларнинг кучи камайиб борган сари учинчи масофадаги нарсалардаги қарама-қаршилик яна ҳам майинлашади, уларнинг чегаралари фоннинг тўқ жойлари билан уйғунликда умумлашиб кўринади. Лекин натюрморт бўёқларда тасвирланадиган бўлса, уни дераза яқинига кундузги табiiй нурлар остида ва бироз ёнбошдан ёруғлик тушадиган қилиб қўйилгани маъқул. Вазифа натюрмортдаги нарсаларнинг асл (умумий) рангларини аниқлашдан иборат

бўлганда, у дераза рўпарасидаги девор ёнига қўйилади. Бунда натюрмортга нурлар олд томондан тушади, соя ва рефлекслар эса унчалик ҳам кўп бўлмайди ва нарсаларнинг ўз ранги яққол, очиқ-ойдин кўринади. Аввалига фон учун танланадиган газламалар яхлит, сидирға ва нурсизроқ бўлгани маъқул, чунки олачипор ёрқин рангли газлама кўзга аниқ ташланиб, натюрмортнинг асосий буюмларини кўришга халақит беради.



Ўқув машқ натюрморти қўйилмасидан намуна.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, оч фонда қорамтир нарсалар, тўқ фонда эса, аксинча, оқ нарсалар равшан кўринади. Кейинчалик натюрмортта композициянинг таркибий қисмларидан бири сифатида бурмали матолар (драпировка) киритилади. Орқа фонга ва предмет столига солинадиган газламанинг (чит, суруп, шойи, бахмал, мовут) характериға мос ҳолда майда ва йирик бурмалар қилиб қўйиш мумкин. Газлама девордаги битта нуқтага

бириктириб қўйилса, у пастта эркин осилиб тушади ва табиий шаклдаги бурма ҳосил қилади.

Юқорида айтганимиздан маълум бўладики, натюрморт нарсаларини жой-жойига қўйиш жиддий ва масъулиятли ишдир. Яхши қўйилган натюрмортда ортиқча тасодифий нарсалар бўлмайди, уни олд ёки ён томонидаги қараш нуқталаридан кузатилганда, мазмунли яхлит гуруҳ бўлиб кўзга яққол ташланиб туради.


Ўқув натюрмортидан ижодий натюрмортнинг фарқи шундаки, у ҳаётга яқин бўлади ҳамда кўп маънони англатади.

Биламизки, ҳар бир рассом ўзини натюрморт жанрида синаб кўради. Натюрморт В.И. Уфимцев ижодида ҳам катта рол ўйнаган. У кўплаб мавзули натюрмортлар ишлаган бўлиб, ҳар бир натюрморт мавзусини олдиндан ўйлаб қўярди. У ҳарбий мавзудаги натюрмортлар туркумини яратди, «Гармонь», «Қурол», «Ҳабар» шулар жумласидандир. В.Н.Кашина ҳам бир қанча натюрмортларида қуёшли ўлка, сахий она ер, табиат инъомларини тараннум этган.



В.Уфимцев. Лолалар натюрморти.

60–80-йилларда ижод қилган В.Фадеев, С.Абдуллаев, В.Лисовларнинг яратган натюрморт асарларида кўпроқ табиат бойлиги, уй–рўзғор буюмлари мевалар, гуллар безакдор матолар фонида жуда чиройли тасвирланган. Уларнинг аксарияти ўқув қўйилмасини эслатади.



В.Лисов. Қовун билан натюрморт.



В.Лисов. Кактуслар.


Портрет жанрининг устаси бўлган Раҳим Аҳмедов ижодида ҳам натюрморт асосий ўринни эгаллайди. Унинг очик ҳавода, ёруғ фонда ишлаган натюрмортлари кишига хуш кайфият, қувонч бахш этади. Чунки кўзадаги атиргуллар фонида ҳандалак, сўйилган қовун, тарвуз, узум, нок, шафтолиларсиз натюрморт тасвири тўлиқ, мукаммал бўлмайди. Оқ дастурхонга чиройли қилиб терилган шарқона меваларда ранг колорити уйғунлашиб кетади. Шу тариқа натюрморт рассом учун ифода объектига айланади.




Р.Аҳмедов. Ёз неъматлари.

Кўп йиллар давомида натюрморт рассом Е. Мельников учун ҳам ягона ижодий ифода воситаси бўлиб келди. Худди шу жанрда унинг эстетик бадийи принципи шаклланди. Рассомнинг «Шамчироқ» натюрморти, «Рассом устахонасида» асари чуқур маъноли фалсафий натюрмортлардир. «Гармонь»

натюрмортида жангчининг кундалик «байрам» анжомлари: автомат, тамаки халта, газета, мис косача, буюмтўрва ва аскарнинг ҳамроҳи – «гармонь» тасвирланган. Бу натюрморт ўзида одам иштирокини билдириб, эслатиб туради.



Е.Мельников. Анорлар.



Ғ.Абдурахмонов. Самовар билан натюрморт.


Ғ.Абдурахмоновнинг «Самоварли натюрморт»ида эса мавзу композиция тузилишига монанд олинган. Ёруғ миллий сўзана фонида қўйилган катта ҳажмдаги самовар ва стол устидаги лаганддаги сўйилган қовун-тарвузлар, нок, олма - анорлар ҳамда нонлар, уларнинг стол устида композиция жиҳатидан бадиий ифодали жойлашиши томошабинни бефарқ қолдирмайди. У меҳмондўст ўзбек халқи сиймосини рамзий тарзда ифода этган.

Демак, шундай қилиб, натюрморт тузиш учун қуйидаги омиллар зарур экан улар:


а) мавзу танлаш; б) натюрморт мавзусига мос келадиган жиҳозлар, нарсалар, газламалар топиш; в) нарсаларнинг шакли, тузилиши, туси ва рангларини ҳисобга олиб жойлаштириш; г) нарсаларнинг ҳажмдорлигини яққол кўринадиган тарзда ёритишдан иборат.

Шуларнинг ҳаммаси биргаликда олинганда натюрморт композицияси (қўйилмаси) деб юритилади.


Талабалар аудитория машғулотларида ўтирган вақтда, қўйилган натюрмортни ишлаш жараёнида тасвирлаш кўникмаларини, яъни: жойлаштириш, қуриш, нисбатларини аниқлаш, қаламтасвирда тусини аниқлаш, рангтасвирда рангларнинг бир–бирига муносабатини, уларнинг бир–бирига нисбатан илиқ ёки совуқ эканлигини аниқлашни, қимирламай турган натурадан ўрганадилар. Шу кўникма ва билимларни мустаҳкамлаш эса талабаларнинг эркин ишлай олишларида муҳим ўрин тутadi.




I



II



III



IV

Гипсли геометрик жисмлардан ташкил топган натюрмортни ишлаш босқичлари.



I



II



III




IV. Маиший буюмлардан ташкил топган натюрмортни ишлаш босқичлари.

Талабалар қораламалар ишлаганда унда натюрмортни тасвирлаш билан бирга, уни кузатиш, таҳлил қилиш қўникмаси ҳам пайдо бўлади. Натюрмортни ишлаш жараёнида каламдан ташкари, юмшоқ тасвир воситаларидан – пастель, кўмир, сангина, соус каби материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Юмшоқ материаллардан фойдаланиш тезкор ишлашни анча енгиллаштиради. Қаламда ишлагандан кўра юмшоқ материалда ишлаганда анча кам вақт сарф бўлади ва иш анча жозибали чиқади.




Натюрморт композициясига мисоллар.



Натюрмортга қўйиладиган буюмлардан айрим намуналар тасвири.

Маълумки, қаламтасвир чизишни мукаммал ўрганмай туриб, рантасвир ишлашга тўғридан тўғри ўтиш анча кийинчилик туғдиради. Аудиторияда ишланган рангтасвирнинг ёритилишини эсга оладиган бўлсак, деразадан тушаётган нур натюрморт буюмларига урилганида ёруғ тараф совук, соя тараф эса илиқ ранглар билан тасвирланади. Табиатга чиққанда эса бунинг мутлако акси бўлади. Осмондан куёш нурининг тушиши манзарада ёки табиатда қуйилган натюрмортда ёруғ тарафларни илиқ бўлишини, соя тарафларни совук бўлишини тақозо этади. Агар бу ҳолатга риоя этилмаса, ишланган табиат кўриниши ёки натюрморт пленер талабларига тўлиқ жавоб бермайди.



Натюрморт композициясига оид намуналар.



Натюрморт ишлаш босқичларига оид кўргазмали намуна.

ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТЕРМИНЛАР

Академизм - академик услубга оид бадиий йўналиш.

Акварель - (франц. aquarelle, лот. aqua - сув) сувда тез эрийдиган ва ювиладиган майин шаффоф бўёқ.

Ахроматик ранг - грекча тусли эмас (рангсиз) демакдир. Улар оқ ва қора ҳамда уларнинг турлича кўриниши бўлиб, бир–биридан ёруғлик кучлари билан фарқ қилади.

Вернисаж - кўргазма очилиши. Дастлаб кўргазмадан олдин рангтасвир асарлари сатҳига лок бериш деган маънони билдиради. Бундай одатни француз рассомлари бошлаб берган эди.

Гармония - (лотинча Harmony) боғлиқлик, мунтазамлик, мутаносиблик, рангларнинг уйғунлиги, бир –бирига мос келиши.

Графика - қора қаламда, қора бўёқда ишланадиган сурат.

Гризайль - бир хил ранг ёрдамида очлик – тўқлик нисбатларини сақлаган ҳолда тасвир ишлаш услуби.

Дизайн - (инглизча – design –лойихалаш, чизиш) кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар, кейим –кечак, идиш – товоқ, асбоб – ускуна, мебел ва шунга ўхшаш нарсаларни қулай, чиройли шакл ва рангини, яни шамоилини яратиш санъати.

Динамика - бу ерда ҳаракат маъносида, асардаги ҳаракатчанлик хусусияти.

Карикатура - ҳажвий тасвир.

Композиция - нарса ва предметларни мазмунли, тартибли жойлаштириш.

Композиция маркази - асарнинг мазмунини очиб тасвирда намоён этиб турадиган қисм.

Компоновка-тасвирни сатҳда мувофик тарзда чиройли қилиб жойлаштириш, чизиш, тасвирлаш.

Контраст - қарама–қаршилик (рангларнинг ўзаро қарама – қаршилиги).

Конструкция – ички тузилиши, «синчи».

Локал - ранг; нарса ёки буюмнинг етакчи ранги.

Мольберт - рассом дастгоҳи, анжومي.

Мўйқалам - қилқалам, рассомлар ишлатадиган ёзув ва тасвир қуроли.

Натюрморт - жонсиз табиат демакдир.

Офорт - тасвирий санъатда гравюра санъатининг (металл ўймакорлиги) кенг тарқалган туридир.

Образ - киёфа, сиймо, ифода, талқин.

Пастель - рангли қаламча.

Понарама - кенгликларни, ўзок масофаларни, кўп воқеаларни мўжассам этиб кўрсатиш.

Пленэр - очик ҳаво, табиат, муҳит, табиат қучоғида тасвирлаш, табиат манзараси.

Ракурс - кўриниш, манзара ёки нарсаларнинг уфқ чизиғига нисбатан пастдан юқорига ёки юқоридан пастга нисбатан қисқариб кўриниши.

Рефлекс - нарса ва буюмлар рангини бошқасида акс этиши.

Репродукция - тасвир унсурларининг мувофиқ тарзда нусхада қайтарилиши.

Ритм - такрорланиш, ранг шакли ёки нақш унсурини маълум тартибда ва муайян ораликда бир текис такрорланиши.

Соус - юмшоқ қалам.

Торс - одам коматини боши, қўли, оёғи йўқ қисмини ифодаловчи шакл.

Фактура - бирор нарсанинг ташқи курилиши, сатхи, юзасининг юмшоқ, қаттиқ, ялтироқлигига айтилади.

Фон - чизилаётган, тасвирланаётган объектнинг орқа томони.

Этюд - ўрганиш, машқ қилиш.

Этюдник - рассомларнинг мўйқалам, бўёқ, қалам, қоғоз ва бошқа анжомлари сақланишига мос кути.

Эскиз - ҳомаки тасвир.

Адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
2. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
3. Беда Г. Живопись. Учебное пособие. – Москва, 1986.
4. Кузин В. Психология. – Москва: Высшая школа, 1982.
5. Махмудов Т. Абдулхак Абдуллаев (альбом). – Тошкент, 1987.
6. Набиев М. Рангшунослик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
7. Ойдинов Н. Рассом–ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари.–Т.:Ўқитувчи, 1997.
8. Умаров А. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати.–Т.: ЎзТСМТУ, 1998.
9. Шорохов Е. Композиция. Учебник.– Москва, 1984.
10. Эгамбердиев А. Рахим Ахмедов.– Тошкент, 1994.
11. Хасанов Р., Нуртоев Ў. Тасвирий санъат ўқитиш методикаси.–Т.: 2005.
12. Абдурахмонов Ғ.М. Композиция. - Тошкент, 2010.
13. Абдирасилов С., Толипов Н., Орипова Н. Рангтасвир. Т., Ўзбекистон нашриёти, 2006.
14. Бойметов Б. “Қаламтасвир”. Дарслик. – Тошкент. Муסיқа, 2007.
15. Тожиев Б., Исахожиева Н. Қаламтасвир, рангтасвир ва композиция асослари. Ўқув-методик қўлланма.–Т.:НМАК.«Шарқ»-тезкор нашр маркази. 2011.
16. www.nbgf.intal.uz
17. www.Ziyo-Net.Uz